

Қарзнинг тўлиқ  
қиймати - \_\_\_\_\_%  
(\_\_\_\_\_)

**??creditnumber??- СОНЛИ AUTO LIGHT ҚАРЗ ШАРТНОМАСИ**  
(Бирламчи бозордан транспорт сотиб олиш бўйича)

**??creditnumber??** шаҳар

**??creditnumber??**

Чет эл капитали иштирокидаги "НАМКОРБАНК" акциядорлик тижорат банки номидан **??creditnumber??** йилдаги №**??creditnumber??** -сонли ишончнома асосида ҳаракат қилувчи Банкнинг **??creditnumber??** филиали бошқарувчиси **??creditnumber??** бундан буён матнларда “Банк” деб номланади, биринчи тарафдан, **??creditnumber??** манзилида яшовчи фуқаро **??creditnumber??**, бундан буён матнда “Қарз олувчи” деб номланади, иккинчи тарафдан, **??creditnumber??** манзилида яшовчи фуқаро **??creditnumber??** бундан буён матнда “Биргаликда қарз олувчи/БҚО” деб номланади, учинчи тарафдан, ҳаммалари биргаликда “Тарафлар” деб номланади, ушбу шартномани куйидагилар ҳақида туздилар:

**1. Шартнома предмети**

1.1. Мазкур шартномага мувофиқ Банк Қарз олувчига транспорт воситаси сотиб олиш учун қарз бериш, Қарз олувчи эса қарзни белгиланган муддатда Банкка қайтариш ва пул маблағларидан фойдаланганлик учун фоизларни тўлаш мажбуриятини олади.

**2. Шартнома баҳоси, қарз муддати, фоизи ва ҳисоб-китоб қилиш тартиби.**

2.1. Қарз суммаси: **??creditnumber??** (**??creditnumber??**) сўм.

2.2. Қарз бўйича фоиз ставкаси: Йиллик **??creditnumber??** (**??creditnumber??**) фоиз.

2.3. Қарздан фойдаланиш муддати: **??creditnumber??** (**??creditnumber??**) ой.

2.4. Қарз суммасининг сўнгги қайтариш санаси: **??creditnumber??** йил.

2.5. Қарздан фойдаланганлик учун фоизлар ушбу шартномада белгиланган номинал ставкада қарз қолдиғига нисбатан кунлик ҳисоблаб борилади.

2.6. Қарз маблағини бериш Қарз олувчининг ссуда ҳисоб рақамидан транспорт воситасини реализация қилувчи корхонанинг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

2.7. Қарз қарздорликни қайтариш шартноманинг ажралмас қисми бўлган қайтариш жадвали(1-илова) асосида амалга оширилади.

2.8. Қарз ва унга ҳисобланган фоиз(жарима, пеня)ларни қайтариш Қарз олувчи/ БҚОнинг истагига кўра, Банкнинг автотўлов хизмати, банк картаси, нақд пул, пул ўтказиш йўли билан ва қонунчилик ҳужжатларига зид келмайдиган бошқа тўлов усуллари билан амалга оширилади. Бунда, келиб тушган маблағлар биринчи навбатда неустойка, муддати ўтган/оширилган қарз фоизи, муддати ўтган қарз тани, муддатли қарз фоизи сўнгра муддатли қарз танини сўндиришга йўналтирилади.

2.9. Мазкур шартнома қонуний кучга киришига қадар, Қарз олувчи ўзининг “Транспорт плюс 1” омонатига транспорт воситаси қийматининг \_\_\_\_\_ фоизи миқдордаги ўз улушини шакллантиради. Ушбу пул маблағлари кейинчалик қарз маблағлари билан бирга реализация қилувчи ташкилотнинг ҳисобварағига ўтказилади.

**3. Тарафларнинг мажбуриятлари.**

**3.1. Қарз олувчи ва биргаликда қарз олувчининг мажбуриятлари:**

3.1.1. Қарз ва унга ҳисобланган фоизларни ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган қайтариш жадвалида (1-илова) белгиланган муддатларда, тўлиқ тўлаш;

\_\_\_\_\_ Қарз олувчи \_\_\_\_\_ БҚО \_\_\_\_\_ Банк

3.1.2. Қарз ажратишнинг муддатлилик, тўловлилик, таъминланганлик тамойилларига риоя этиш;

3.1.3. Банкка яшаш манзилини, телефон рақамларини (уяли, уй, иш) электрон почта манзилини, ижтимоий тармоқлардаги почта манзилларини (Telegram, WhatsApp, IMO ва бошқалар) ҳақидаги ҳаққоний маълумотларни тақдим этиш. (Ушбу манзиллар орқали олинган ҳар қандай маълумот Банк учун қонуний кучга эга);

3.1.4. Ўзининг иш жойи, яшаш жойи, фамилияси ва исми ўзгарганда, телефон рақамлари, электрон почта манзили, ижтимоий тармоқдаги манзиллари ўзгарганда ёки мазкур шартномада белгиланган мажбуриятларини бажарилишига салбий таъсир кўрсатадиган бошқа ҳолатлар тўғрисида ёзма шаклда ёки ўзлари учун мақбул бўлган бошқа алоқа каналлари орқали 5 (беш) кун ичида Банкка хабар бериш. Ушбу талаб бажарилмаслиги оқибатида келиб чиққан салбий ҳолатларга Қарз олувчи/БҚО жавобгар ҳисобланадилар;

3.1.5. Сотиб олинаётган транспорт воситаси реализация қилувчи ташкилот томонидан етказиб берилиб, белгиланган тартибда гаров шартномаси тузилгунига қадар, қарзнинг тўлиқ муддатига ва тўлиқ қийматига қарзни қайтмаслик хатаридан суғурта полисини тақдим қилиш;

3.1.6. Транспорт воситаси реализация қилувчи ташкилот томонидан етказиб берилган кундан 20 (йигирма) календарь кун муддат ичида транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномасини Банкка тақдим этиш ва белгиланган тартибда қарз таъминоти сифатида гаровга қўйиш, гаровни расмийлаштириш чиқимларини тўлаш;

3.1.7. Мазкур шартноманинг 3.1.6.-банди талаблари бажарилгунига қадар гаровга қўйилаётган транспорт воситасини барча қалтисликлардан (йўқолиш, шикастланиш, йўл-транспорт ходисалари ва бошқа хатарлардан) суғурта қилдириш. Бунда, шартноманинг 3.1.5.-банди бўйича тузилган суғурта шартномасига ўзгартириш киритилиши мумкин;

3.1.8. Гаров мулкига шикаст етказилган, яроқсиз ҳолга келган, йўқолган тақдирда зудлик билан Банкка хабар бериш ва гаров мулкани 10 (ўн) кун ичида юқори ликвидли бошқа мол-мулк таъминотига алмаштириш;

3.1.9. Қарзни қайтариш жадвалидан ортиқча тўланган маблағ келгуси даврларда сўндирилиши режалаштирилган бўлса, у ҳолда тўловни амалга оширишдан 3(уч) кун олдин Банкка бу ҳақида ёзма мурожаат қилиш;

3.1.10. Шахсий (БҚОнинг ҳам)банк картасини Банкнинг автотўлов хизматига улаш;

3.1.11. Ушбу шартнома ва қонунчиликка асосан бошқа мажбуриятларни бажариш.

### **3.2. Банкнинг мажбуриятлари:**

3.2.1. Қарз олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида, жумладан қарзлашга оид барча харажатлар ҳақида Қарз олувчига ишончли ҳамда тўлиқ ахборот бериш;

3.2.2. Мазкур шартноманинг 3.1.5.-бандидаги мажбуриятлар тўлиқ бажарилганидан кейин 3 (уч) банк иш куни ичида қарз ажратиш;

3.2.3. Олинган қарз учун Қарз олувчи номига ссуда ҳисоб рақамларни очиш;

3.2.4. Қарз олувчини қарзни муддатидан илгари ундириш ҳолати ва сабаблари ҳақида олдиндан хабардор қилиш;

3.2.5. Қарз олувчининг сўрови Банкда рўйхатга олинган кундан бошлаб беш иш куни ичида Қарз олувчи томонидан берилган ариза ва Қарз олувчига қарз берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни ҳамда бир иш куни ичида шартнома бўйича Қарз олувчи томонидан мажбуриятлари тўлиқ бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этиш;

3.2.6. Шартнома бўйича Қарз олувчи мажбуриятларининг бажарилмаслик сабаблари, ҳолати, муддати, суммалари, таркиби ҳақида сўраш, шунингдек мажбуриятлар бузилгани учун неустойка қўлланиши натижасида харажатлар ортиши ҳақида огоҳлантириш;

3.2.7. Шартнома бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келганда, Қарз олувчи билан ҳар қандай алоқа усулларида, шу жумладан электрон алоқа воситаларидан ёки бошқа усуллардан фойдаланиб, қарз олувчига муддати ўтказиб

юборилган қарздорлик юзага келганлиги ҳақида хабар бериш;

3.2.8. Мазкур шартноманинг 3.1.9- бандига мувофиқ Қарз олувчи/БҚОнинг аризаси мавжуд бўлмаган ҳолда, қарзнинг жорий тўлови учун қарзни қайтариш жадвалида белгиланган суммага нисбатан кўп маблағ келиб тушган тақдирда, ушбу маблағнинг ортиқча қисмини қарзнинг асосий қарзини сўндиришга йўналтириш ҳамда келгуси иш кунидан қолдиқ суммага нисбатан фоиз ҳисоблаш;

3.2.9. Қарз олувчининг сўрови олинганидан сўнг бир иш куни ичида унга қуйидаги ахборотларни ёзма шаклда ойда бир марта бепул тақдим этиш: қарзлаш лимити, қарз бўйича тўланган пул маблағлари суммаси, асосий сумма бўйича қарз қолдиғи, навбатдаги тўловлар миқдори, таркиби ва муддатлари (тўловлар жадвали), қарзни муддатидан олдин қисман ёки тўлиқ сўндириш истаги билдирилган тақдирда тўлаш лозим бўлган суммалар миқдори, муддати ўтказиб юборилган қарздорлик миқдори ва таркиби, келиб тушаётган пул маблағлари қарз бўйича қарзни сўндиришга йўналтирилиши ҳақида ахборотлар;

3.2.10. Қарз олувчи шартнома бўйича барча мажбуриятини тўлиқ бажарган санадан бошлаб уч иш куни ичида мазкур қарз бўйича гаров мулкани тақиқдан чиқариш ҳамда гаров мулкига нисбатан Банкнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги ёзувни гаров реестридан ўчириш;

3.2.11. Шартномада назарда тутилган қарзни беришдан бутунлай ёки қисман бош тортган тақдирда, бу ҳақда тегишли қарор қабул қилинган сананинг эртасидан кечикмасдан Қарз олувчига ёзма хабарнома юбориш;

3.2.12. Қарз шартномасидаги фоиз ставкаси ўзгарганда ёки мазкур шартноманинг 3.2.8.- бандида белгиланган вазият юз берган тақдирда, қарзни қайтариш жадвалини янгидан расмийлаштириш ва Қарз олувчига тақдим этиш. Бунда, мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган қайтариш жадвали кучини йўқотади ва тарафлар учун янги қайтариш жадвали мажбурий ҳисобланади;

3.2.13. Ушбу шартнома ва қонунчиликка асосан бошқа мажбуриятларни бажариш.

#### **4. Томонларнинг ҳуқуқлари.**

##### **4.1. Қарз олувчи ва биргаликда қарз олувчининг ҳуқуқлари:**

4.1.1. Ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида, шу жумладан транспорт қарзи бериш билан боғлиқ барча харажатлар ҳақида ишончли ҳамда тўлиқ ахборот олиш.

4.1.2. Шартнома тузилган кундан эътиборан икки ҳафта ичида Банкни ёзма равишда хабардор қилиб, қарзнинг фойдаланилмаган қисмидан воз кечиш. Бунда, воз кечиш кунигача қилинган харажатлар Қарз олувчи/БҚО зиммасида қолади;

4.1.3. Қарзни муддатидан олдин қайтариш. Бунда, қарз учун фоизлар қарз тўлиқ қайтарилган кунгача мазкур шартноманинг 2.2.-бандига мувофиқ ҳисобланади;

4.1.4. Қарз ажратиш ва ҳисоб-китоблар бўйича амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ва Банкнинг ички меъёрий ҳужжатларидаги ўзгаришлар ҳақида Банкдан маълумот олиш;

4.1.5. Банкдан мажбуриятларнинг ўз вақтида ва лозим даражада бажарилишини талаб қилиш, мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарларнинг ўрнини қоплашни талаб қилиш;

4.1.6. Қарз тўловларини масофавий банк хизматларидан фойдаланган ҳолда тўлаш;

4.1.7. Қарз тўловлари шаклини ҳамда қарзни қайтариш турини (дифференциал ва аннуитет), шунингдек суғурта ёки баҳолаш хизматларини мустақил танлаш;

4.1.8. Ушбу шартнома ва қонунчиликка асосан бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш.

##### **4.2. Банкнинг ҳуқуқлари:**

4.2.1. Қарз олувчи шартнома тузилган кундан эътиборан бир ой ичида қарздан фойдаланмаган тақдирда, шартномани бекор қилиш ҳақида тарафларни ёзма равишда хабардор этиш орқали шартномани бир тарафлама бекор қилиш;

4.2.2. Қарз бериш ва шартнома бўйича мажбуриятларни ўз вақтида ва лозим даражада бажаришни талаб қилиш, зарур ҳужжатларни Қарз олувчи/БҚОдан сўраб олиш;

\_\_\_\_\_ Қарз олувчи

\_\_\_\_\_ БҚО

\_\_\_\_\_ Банк

4.2.3. Такдим этилган ҳужжатларнинг ҳақиқийлигига шубҳа туғилганида, мониторинг ўтказиш мақсадида, шунингдек муддати ўтган қарздорликлар юзага келган тақдирда, Қарз олувчи/БҚОларнинг иш жойига қўнғироқ қилиш ёки ёзма мурожаат бериш;

4.2.4. Гаров мулкининг ҳолати ва сақланиши бўйича текширувларни амалга ошириш;

4.2.5. Ўзаро музокараларни (баённома шаклида, телефон қўнғироқлари, аудио, видео ва бошқа исталган усулларда) ёзиб олиш, шунингдек кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш ҳамда мурожаатни тасдиқлаш учун ушбу далилни ишлатиш;

4.2.6. Қарз олувчининг шартномавий мажбуриятлари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда, ҳар қандай қонуний чораларни кўриш, жумладан Қарз олувчи/БҚОнинг ҳар қандай мол-мулкидан мажбурий равишда ундириш;

4.2.7. Қарз олувчининг жорий ёки муддати ўтган мажбуриятлари (қарзлари)ни сўндириш мақсадида, маблағларни қуйидаги усуллар ёрдамида ҳисобдан чиқариш:

а) Қарз олувчи/БҚОнинг ҳар қандай банкларда ва бошқа молия муассасаларидаги ҳисобварақларига акцептсиз тўлов талабларини қўйиш;

б) Қарз олувчи/БҚОнинг Банкдаги банк ҳисобварақларини тўғридан-тўғри дебетлаш йўли билан.

4.2.8. Ушбу шартнома ва қонунчиликка асосан бошқа ҳуқуқларга эга бўлиш.

## 5. Томонларнинг жавобгарлиги.

### 5.1. Қарз олувчи/ биргаликда қарз олувчининг жавобгарлиги:

5.1.1. Асосий қарзни қайтариш муддати кечиктирилганда, Банкка бутун кечиктирилган даврда кечиктирилган тўловлар учун шартноманинг 2.2-бандида белгиланган фоиз ставкасининг 1,5 баравари миқдорида оширилган фоиз тўлайди.

5.1.2. Асосий қарз ва фоизларни ўз муддатида тўламаган тақдирда, тўлов кечиккан ҳар бир кун учун кечиктирилган сумманинг **??creditnumber??** фоизи миқдорида Банкка пеня тўлайди.

5.1.3. Ушбу шартноманинг 3.1.8.-банди талабларини бажармаганида Банкка ҳар бир муддати ўтказилган кунга гаров суммасининг **??creditnumber??** фоизи миқдорида пеня тўлайди.

5.1.4. Ушбу шартноманинг 3.1.6-банди талабларини бажармаганида Банкка ҳар бир муддати ўтказилган кунга шартнома суммасининг 0,1% миқдорида, лекин базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баробаридан ошмаган миқдорида пеня тўлайди.

### 5.2. Банкнинг жавобгарлиги:

5.2.1. Қарз бериш мажбуриятини бажармаганида ёки ўз вақтида бажармаганида Қарз олувчига кечиктирилган тўловнинг ҳар бир куни учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди.

5.2.2. Ушбу шартноманинг 3.2.11-бандидаги мажбуриятларини бажармаса, ҳар бир кун учун Қарз олувчига гаров қийматининг 0.1 фоизи миқдорида пеня тўлайди.

5.2.3. Шартнома бўйича ҳисобланган пеня ва жарималарни тўлаш/ихтиёрий тўлаш, тарафларни шартномада кўрсатилган ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди. Шунингдек, иккинчи тарафни мажбуриятлар бажарилмаганлиги сабабли тегишли чоралар қўллаш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

5.2.4. Қарздорлик бўйича ҳисобланган фоизлар ва неустойкаларнинг энг кўп суммаси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган миқдордан ошиб кетмаслиги лозим.

## 6. Шартномани бекор қилиш асослари.

6.1. Қарз олувчи(БҚО)ни Банк қарз ажратишдан аввал мавжуд банк карталарини “Авто-тўлов” хизматига улаш мажбурияти ҳақида огохлантириши лозим.

6.2. Қарз олувчи томонидан мазкур шартноманинг 3.1.10. банди ижроси таъминламаган тақдирда, банк қарз беришни рад этишга ҳақли.

\_\_\_\_\_ Қарз олувчи

\_\_\_\_\_ БҚО

\_\_\_\_\_ Банк

## **7. Қарз таъминоти.**

7.1. Қарзнинг асосий таъминоти қарз ҳисобига сотиб олинаётган транспорт воситаси ҳисобланади. Транспорт воситаси реализация қилувчи ташкилот томонидан Қарз олувчига етказиб берилгунига қадар шартноманинг 3.1.5.-бандига асосан, транспорт воситаси гаровга қўйилишидан аввал эса, шартноманинг 3.1.7.-бандига асосан суғурталаниб, суғурта шартномаси ва суғурта полиси Банкка тақдим этилади.

7.2. Қарз ҳисобига сотиб олинadиган транспорт воситаси нотариал гаров шартномаси орқали ёки Банк томонидан гаровга олиш йўли билан оддий ёзма шаклда тузилиши мумкин. Ҳар икки ҳолатда ҳам гаров мулки бўйича гаров реестрига ёзувлар киритилади ва гаров мулкига нисбатан тақиқ қўйилади.

## **8. Шартноманинг амал қилиш муддати, шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби ҳамда бошқа қоидалар.**

8.1. Шартнома тарафлар имзолаган кундан эътиборан кучга киради ва тарафлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунларига қадар амалда бўлади.

8.2. Шартнома шартларини ўзгартириш ёки бекор қилиш қўшимча келишув тузиш орқали амалга оширилади. Шартномага киритилadиган ўзгартиш ва қўшимчалар ёзма равишда тузилиб, тарафлар имзолаганидан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Барча ўзгартириш, қўшимчалар ва иловалар мазкур шартноманинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

8.3. Қуйидаги асослар юзага келганида, Банк мазкур шартномани муддатидан аввал бекор қилиши ва ундирувни гаровдаги ёки бошқа мол-мулкларга қаратиши мумкин:

а) Шартнома тузишда ёки қарз операцияларини бажаришда Қарз олувчи томонидан Банкка нотўғри маълумотлар тақдим этиш фактлари аниқланганда;

б) Қарз олувчи/БҚОнинг психо-неврологик, психиатрик, гиёҳвандлик ва алкоголизмдан даволаш жойларида ҳисобга олиниши тўғрисида маълумот бўлган тақдирда;

с) қарзни қайтариш жадвалини камида уч ва ундан ортиқ мартаба бузган тақдирда;

д) қарз ва унга ҳисобланган фоизларни қарзни қайтариш жадвалида белгиланган муддатдан 30 кун ва ундан ортиқ муддатга сабабсиз кечиктирилганида;

е) Мазкур шартноманинг 3.1.6. ва 3.1.8.-бандларида белгиланган мажбуриятлар бажарилмаганида;

ф) Қарз олувчи/БҚО гаровга олинган транспорт воситасини мониторинг қилинишига тўсқинлик қилганида, уни яширганида, Банкка тақдим қилмаганида;

г) Қарз олувчи гаровга олинган транспорт воситасини Банкнинг розилигисиз учинчи шахсларга бошқаришга, ижарага, текин фойдаланишга, бошқа ҳар қандай асосларга кўра берса, шунингдек, ноқонуний равишда тасарруф этса;

ҳ) Қонунчиликда белгиланган бошқа асосларга кўра.

## **9. Махфийлик**

9.1. Мазкур шартномани тузиш ва бажариш вақтида тарафлар бир-биридан олган барча маълумотлар махфий ахборотлар деб тан олинади.

9.2. Шартномани тузиш ва шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш чоғида бошқа тарафнинг тижорат сири ҳисобланган махфий ахборотлар ва маълумотларни ахборот эгасининг ёзма розилигисиз ошкор қилмаслик мажбуриятини олади. Мазкур талаб бутун шартнома муддатида ҳамда шартнома муддати тугаганидан сўнг 3 йил амал қилади.

## **10. Алоҳида шартлар, кафолатлар ва билдиришлар**

10.1. Мазкур шартномани имзолаш билан Қарз олувчи Банкка унинг шахсий маълумотларини йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш ва ундан фойдаланишга қуйидаги ҳолларда розилик беради: Қарз олувчи манфаатдор бўлган шартномаларни тузишда ва ижросини таъминлашда; Қарз олувчининг шартномада белгиланган ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг бажарилишини таъминлашда, уларнинг бажарилишини талаб қилиш ва қарздорликни ундиришда; маълумотларни текшириш, шу жумладан фирибгарлик ҳолатларининг олдини олиш мақсадида; шартноманинг ижросини таъминлаш билан боғлиқ маълумотларни Қарз олувчи/БҚОга, унинг иш берувчисига етказишда.

\_\_\_\_\_ Қарз олувчи

\_\_\_\_\_ БҚО

\_\_\_\_\_ Банк



10.2. Қарз олувчи/БҚО тўлов жадвали асосида қарз бўйича телефон кўнғироқлари қилинишига, SMS-хабарномаларни уяли телефон рақамларига, шунингдек Қарз олувчи берган бошқа манзилларга юборилишига розилик беради.

10.3. Банк юборган SMS хабарномалар, огоҳлантириш хатлари, қилинган кўнғироқлар ҳамда бошқалар суд ва бошқа органларда далил бўлиб хизмат қилади.

### **11. Форс-мажор ҳолатлари.**

11.1. Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари - бу тарафлар иродаси, хохишига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон ва ҳоказо), ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар), халқаро, банклараро ва Банкнинг электрон тўлов ҳамда таъминот тизимидаги носозлик, Банкнинг дастурий таъминот тизимида қилинган таҳдид (хужумлар) сабабли юзага келган шароитларда тарафларга мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва қутилмаган ҳолатлардир.

11.2. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган вақтда тарафлар ушбу ҳолатлар бартараф этилганига қадар шартномавий мажбуриятларини бажаришдан озод бўлади. Форс-мажор ҳолати 90 кун мобайнида бартараф этилмаган тақдирда шартнома бекор қилиниши мумкин.

11.3. Форс-мажор ҳолатлари бошланганлиги ёки яқунланганлиги ҳақида бир тараф иккинчи тарафни 3 иш куни ичида бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилиши шарт. Хабарномалар барча алоқа воситалари орқали юборилиши мумкин.

### **12. Коррупцияга қарши курашиш.**

12.1. Тарафлар, уларнинг аффилланган шахслари, ходимлари ёки бошқа иштирокчилари ушбу шартнома шартларини бажаришда иккинчи тарафнинг қарор қабул қилишига таъсир ўтказиш учун бевосита ёки билвосита пул маблағлари, қимматликлар ёки хизматлар таклиф қилиши, бериши, тақдим этиши тақиқланади. Ана шундай таклиф билдирилганида, иккинчи тараф, уларнинг аффилланган шахслари, ходимлари ёки бошқа иштирокчилари бундай таклифларни рад қилиши шарт.

12.2. Агар шартнома иштирокчиларидан бирида ушбу шартнома шартларини бажариш билан боғлиқ коррупцион ҳаракат содир этилганлиги тўғрисида маълумот, шубҳа, далилга эга бўлса, бу тўғрисида иккинчи тарафга ёзма шаклда хабар бериш мажбуриятини олади.

12.3. Хабарни олган тараф ҳақиқатда коррупцион ҳаракат содир этилмаганлигини ёки содир этилмаслиги тўғрисида тасдиққа эга бўлганича ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришни тўхтатиб туриш ҳуқуқига эга.

12.4. Пورا эвазига иккинчи тараф вакилини, аффилланган шахсини, ходимини ёки шартноманинг бошқа иштирокчиларини шартнома шартларини бажаришда ўзига оғдириб олган тараф иккинчи тарафга етказилган зарарларни қоплаб бериш мажбуриятини олади.

### **13. Низоларни ҳал этиш тартиби.**

13.1. Тарафлар мазкур шартномани бажариш вақтида юзага келган келишмовчилик ёки низоларни музокара йўли билан ҳал этадилар. Ўзаро келишув имконияти бўлмаганда, ҳуқуқи бузилган тараф юборган талабнома ёки огоҳлантириш хатига иккинчи тараф мазкур хужжатларда кўрсатилган муддат ичида жавоб бериши лозим. Талабнома ёки огоҳлантириш хати тарафга шахсан топширилиши, электрон почта манзилига ёки почта алоқа хизмати орқали юборилиши мумкин.

13.2. Барча низолар филиал/бўлинма жойлашган ҳудуддаги судда ҳал этилади.

13.3. Мазкур шартнома ва унинг иловаси бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилиб, шартноманинг бир нусхаси Банкда, иккинчи нусхаси Қарз олувчида сақланади.

### **14. Томонларнинг тасдиғи, манзиллари, тўлов реквизитлари ва имзолари.**

Қарз олувчи/БҚО қарз бўйича барча маълумотлар шартнома тузилишидан аввал унга бепул тақдим этилгани ва ушбу шартнома имзоланмасидан олдин танишиб чиқиш учун ўзи билан олиб кетиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирилганини тасдиқлайди.

\_\_\_\_\_ Қарз олувчи

\_\_\_\_\_ БҚО

\_\_\_\_\_ Банк

**ҚАРЗ ОЛУВЧИ**

Манзил: \_ ??creditnumber??

Шахсини тасдиқловчи ҳужжат: серия

??creditnumber??№ ??creditnumber??

??creditnumber?? йилда

??creditnumber?? ИИБда

берилган

фуқаро:

??creditnumber?? \_\_\_\_\_

**БИРГАЛИҚДА ҚАРЗ ОЛУВЧИ**

Манзил: ??creditnumber??

Шахсини тасдиқловчи ҳужжат: серия

??creditnumber??№ ??creditnumber??

??creditnumber?? йилда

??creditnumber?? ИИБда

берилган

фуқаро: ??creditnumber?? \_\_\_\_\_

**БАНК**

Манзил: ??creditnumber??

Х.р: \_\_\_\_\_

МФО: ??creditnumber??. НН:

??creditnumber??

Бошқарувчи: ??creditnumber??

[www.hamkorbank.uz](http://www.hamkorbank.uz)

Тел: 0-800-1-200-200

Шартнома мазмуни ва моҳияти билан тўлиқ танишиб чиқдим ҳамда бир нусхасини олдим.

\_\_\_\_\_ “ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 20 \_\_ йил

(имзо)

(ФИШ)

**1-илова**

**??creditnumber??** филиал/бўлинма билан фуқаро **??creditnumber??** ўртасида  
**??creditnumber??** кунги имзоланган №**??creditnumber??** - сонли қарз шартномаси бўйича  
 қарз ва фоизларни

**ҚАЙТАРИШ ЖАДВАЛИ**

№	Тўлов куни	Муддати ўтадиган кун	Асосий қарз тўлов суммаси	Хисобланган фоизнинг қайтарилиш суммаси	Жами тўлов	Сундирилгунгача қарз қолдиғи суммаси	Сундирилгандан кейинги қарз қолдиғи суммаси
1	12.05.2022	12.05.2022	730 109.76	1 585 493.24	2 315 603.00	64 322 000.00	63 591 890.24
2	13.06.2022	13.06.2022	643 606.69	1 671 996.31	2 315 603.00	63 591 890.24	62 948 283.55
3	12.07.2022	12.07.2022	815 691.99	1 499 911.01	2 315 603.00	62 948 283.55	62 132 591.56
4	12.08.2022	12.08.2022	733 026.31	1 582 576.69	2 315 603.00	62 132 591.56	61 399 565.25
5	12.09.2022	12.09.2022	751 697.20	1 563 905.80	2 315 603.00	61 399 565.25	60 647 868.05
6	12.10.2022	12.10.2022	820 674.59	1 494 928.41	2 315 603.00	60 647 868.05	59 827 193.46
7	14.11.2022	14.11.2022	693 433.72	1 622 169.28	2 315 603.00	59 827 193.46	59 133 759.74
8	12.12.2022	12.12.2022	955 170.10	1 360 432.90	2 315 603.00	59 133 759.74	58 178 589.64
9	12.01.2023	12.01.2023	833 738.53	1 481 864.47	2 315 603.00	58 178 589.64	57 344 851.11
10	13.02.2023	13.02.2023	807 857.61	1 507 745.39	2 315 603.00	57 344 851.11	56 536 993.50
11	13.03.2023	13.03.2023	1 014 911.38	1 300 691.62	2 315 603.00	56 536 993.50	55 522 082.12
12	12.04.2023	12.04.2023	947 021.70	1 368 581.30	2 315 603.00	55 522 082.12	54 575 060.42
13	12.05.2023	12.05.2023	970 365.14	1 345 237.86	2 315 603.00	54 575 060.42	53 604 695.28
14	13.06.2023	13.06.2023	906 196.04	1 409 406.96	2 315 603.00	53 604 695.28	52 698 499.24
15	12.07.2023	12.07.2023	1 059 920.49	1 255 682.51	2 315 603.00	52 698 499.24	51 638 578.75
16	14.08.2023	14.08.2023	915 461.84	1 400 141.16	2 315 603.00	51 638 578.75	50 723 116.91
17	12.09.2023	12.09.2023	1 106 989.25	1 208 613.75	2 315 603.00	50 723 116.91	49 616 127.66
18	12.10.2023	12.10.2023	1 092 599.44	1 223 003.56	2 315 603.00	49 616 127.66	48 523 528.22
19	13.11.2023	13.11.2023	1 039 793.15	1 275 809.85	2 315 603.00	48 523 528.22	47 483 735.07
20	12.12.2023	12.12.2023	1 184 176.17	1 131 426.83	2 315 603.00	47 483 735.07	46 299 558.90
21	12.01.2024	12.01.2024	1 136 308.84	1 179 294.16	2 315 603.00	46 299 558.90	45 163 250.06
22	12.02.2024	12.02.2024	1 165 251.71	1 150 351.29	2 315 603.00	45 163 250.06	43 997 998.35
23	12.03.2024	12.03.2024	1 267 233.16	1 048 369.84	2 315 603.00	43 997 998.35	42 730 765.19
24	12.04.2024	12.04.2024	1 227 209.44	1 088 393.56	2 315 603.00	42 730 765.19	41 503 555.75
25	13.05.2024	13.05.2024	1 258 467.64	1 057 135.36	2 315 603.00	41 503 555.75	40 245 088.11
26	13.06.2024	13.06.2024	1 290 522.01	1 025 080.99	2 315 603.00	40 245 088.11	38 954 566.10
27	12.07.2024	12.07.2024	1 387 406.41	928 196.59	2 315 603.00	38 954 566.10	37 567 159.69
28	12.08.2024	12.08.2024	1 358 731.42	956 871.58	2 315 603.00	37 567 159.69	36 208 428.27
29	12.09.2024	12.09.2024	1 393 339.61	922 263.39	2 315 603.00	36 208 428.27	34 815 088.66
30	14.10.2024	14.10.2024	1 400 223.70	915 379.30	2 315 603.00	34 815 088.66	33 414 864.96
31	12.11.2024	12.11.2024	1 519 404.58	796 198.42	2 315 603.00	33 414 864.96	31 895 460.38
32	12.12.2024	12.12.2024	1 529 401.75	786 201.25	2 315 603.00	31 895 460.38	30 366 058.63
33	13.01.2025	13.01.2025	1 517 200.28	798 402.72	2 315 603.00	30 366 058.63	28 848 858.35
34	12.02.2025	12.02.2025	1 604 498.40	711 104.60	2 315 603.00	28 848 858.35	27 244 359.95
35	12.03.2025	12.03.2025	1 688 818.51	626 784.49	2 315 603.00	27 244 359.95	25 555 541.44
36	14.04.2025	14.04.2025	1 622 683.75	692 919.25	2 315 603.00	25 555 541.44	23 932 857.69
37	12.05.2025	12.05.2025	1 765 003.02	550 599.98	2 315 603.00	23 932 857.69	22 167 854.67
38	13.06.2025	13.06.2025	1 732 752.40	582 850.60	2 315 603.00	22 167 854.67	20 435 102.27
39	14.07.2025	14.07.2025	1 795 101.35	520 501.65	2 315 603.00	20 435 102.27	18 640 000.92
40	12.08.2025	12.08.2025	1 871 455.19	444 147.81	2 315 603.00	18 640 000.92	16 768 545.73
41	12.09.2025	12.09.2025	1 888 492.06	427 110.94	2 315 603.00	16 768 545.73	14 880 053.67
42	13.10.2025	13.10.2025	1 936 593.76	379 009.24	2 315 603.00	14 880 053.67	12 943 459.91
43	12.11.2025	12.11.2025	1 996 555.58	319 047.42	2 315 603.00	12 943 459.91	10 946 904.33

Қарз олувчи

БҚО

Банк



44	12.12.2025	12.12.2025	2 045 769.31	269 833.69	2 315 603.00	10 946 904.33	8 901 135.02
45	12.01.2026	12.01.2026	2 088 882.56	226 720.44	2 315 603.00	8 901 135.02	6 812 252.46
46	12.02.2026	12.02.2026	2 142 088.40	173 514.60	2 315 603.00	6 812 252.46	4 670 164.06
47	12.03.2026	12.03.2026	2 208 161.08	107 441.92	2 315 603.00	4 670 164.06	2 462 002.98
48	12.04.2026	12.04.2026	2 462 002.98	62 710.02	2 524 713.00	2 462 002.98	0.00
Итог о:			64 322 000.00	47 036 054.00	111 358 054.00		

Қарз тўловларини муддатли мажбуриятномада кўрсатилган муддатда қарз шартноманинг 4.1.9 бандига асосан ундириб олишингизни сўрайман.

**Филиал/бўлинма бошлиғи**  
**??creditnumber??**

\_\_\_\_\_ ИМЗО

**Мижоз**  
**??creditnumber??**  
*(ФИШ)*

\_\_\_\_\_ ИМЗО  
инфокиоскадан қарз тўловини  
амалга ошириш учун ID:  
Парол: